

**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.I.18.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

КУВАНДИКОВ ШУХРАТ ОБЛОКУЛОВИЧ

**ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА
ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК РОЛИНИ ОШИРИШНИНГ
МЕТОДОЛОГИК МАСАЛАЛАРИ**

08.00.05 – Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиёти

**Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Content of the Doctoral (DSc) dissertation abstract

Кувандиков Шухрат Облокулович

Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда оилавий тадбиркорлик
ролини оширишнинг методологик масалалари 3

Кувандиков Шухрат Облокулович

Методологические вопросы повышения роли семейного
предпринимательства в развитии сферы услуг 33

Kuvandikov Shuhrat Oblokulovich

Methodological issues of raising the role of family entrepreneurship in the
development of the service sector 61

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 65

**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.I.18.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

КУВАНДИКОВ ШУХРАТ ОБЛОКУЛОВИЧ

**ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА
ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК РОЛИНИ ОШИРИШНИНГ
МЕТОДОЛОГИК МАСАЛАЛАРИ**

08.00.05 – Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиёти

**Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.3.DSc/Iqt19 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.sies.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим портали (www.ziyonet.uz)да жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: **Пардаев Мамаюнус Қаршибоевич**
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Ғуломов Саидахрор Саидахмедович**
иқтисодиёт фанлари доктори, академик
Навруз-зода Бахтиёр Негматович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
Арабов Нурали Уралович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти**

Диссертация ҳимояси Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.I.18.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «4» XII куни соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 140100, Самарқанд шаҳри, Амир Темури кўчаси, 9-уй. Тел.: (99866) 233-18-84; факс: (99866) 233-28-38; e-mail: sies_info@edu.uz.

Фан доктори (DSc) диссертацияси билан Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (038 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140100, Самарқанд шаҳри, Амир Темури кўчаси, 9-уй. Тел.: (99866) 233-37-26.

Диссертация автореферати 2021 йил «19» _____ куни тарқатилди.
(2021 йил «19» _____ XI даги _____ рақамли реестр баённомаси).



М.Э.Пулатов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Н.Э.Ибадуллаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент

М.М.Мухаммедов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари иқтисодиётида оилавий тадбиркорлик алоҳида ўрин касб этмоқда. Оилавий бизнес институти маълумотларига кўра «Буюк Британияда оилавий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 30,7% ва хусусий сектор корхоналари сонига улуши 87,6 %ни, шунга мос равишда Испанияда 65 ва 75%, АҚШда 60 ва 90%ни ташкил этади. Италия экспортининг 18 фоизи оилавий тадбиркорлик ҳисобига тўғри келади»¹. Шунингдек, «жаҳон бўйича оилавий тадбиркорликнинг 26 фоизи иқтисодиётнинг бир нечта соҳаси ва турли мамлакатлар бозорларида диверсификациялашган»². Бундай шароитда оилавий тадбиркорлик фаолиятининг миллий иқтисодиёт хусусан, хизмат кўрсатиш соҳалари бўйича ихтисослашув даражасини ошириш алоҳида аҳамиятга эга бўлмоқда.

Жаҳонда оилавий тадбиркорликнинг назарий, ташкилий ва методологик асосларини такомиллаштириш бўйича қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда, буларга: оилавий тадбиркорликнинг асосий шакллари ва таркиби, унинг миллий иқтисодиётдаги роли; оилавий муносабатлар ва бизнес тизимлар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик, бизнесда оиланинг роли; оилавий корхоналарда меҳнат муносабатлари тизими; оилавий ва нооилавий бизнеснинг қиёсий таҳлили; оилавий бизнесни бошқариш ва унинг авлоддан авлодга ўтиши, мерос ва гендер масалалари; оилавий тадбиркорликнинг ҳудудлар ривожланишидаги роли билан боғлиқ тадқиқотларни киритиш мумкин.

Янги Ўзбекистонни барпо этиш шароитида хизматлар соҳасини қўллаб-қувватлаш, ҳудудларда аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш орқали камбағалликни камайтириш масалаларига алоҳида аҳамият қаратилмоқда. «Камбағалликни камайтириш – бу аҳолида тадбиркорлик руҳини уйғотиш, инсоннинг ички куч-қуввати ва салоҳиятини тўла рўёбга чиқариш, янги иш ўринлари яратиш бўйича комплекс иқтисодий ва ижтимоий сиёсатни амалга ошириш, демакдир»³ Бу вазифаларни ҳал этишда оилавий тадбиркорликнинг миллий иқтисодиётда хусусан хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришдаги ролини ошириш йўналишларида илмий тадқиқотларни чуқурлаштириш алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 мартдаги ПҚ-4231-сон «Ҳудудларда аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2019 йил 24 октябрдаги ПҚ-4498-сон «Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш давлат дастурлари доирасида амалга оширилаётган лойиҳаларни кредитлаш тартибини такомиллаштиришнинг қўшимча чора-

¹<https://www.ifb.org.uk/ifb-research-foundation/news/coronavirus-hit-family-business-sector-continues-to-be-the-backbone-of-the-uk-economy/>

² <https://www.pwc.ru/ru/assets/fbs-report.pdf>

³ Шавкат Мирзиёев: Тадбиркорлик субъектлари ва янги иш ўринлари ҳудудлар раҳбарлари фаолиятини баҳолашда энг асосий мезон бўлади. <https://president.uz/uz/lists/view/3319>

тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 16 июндаги ПҚ-4752-сон «Хизматлар соҳасини кўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» ва 2021 йил 27 мартдаги ПҚ-5041-сонли «Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида амалга ошириладиган кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот иши мавзуси республика фан ва технологиялар ривожланишининг 1. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи⁴. Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда оилавий тадбиркорлик ролини ошириш билан боғлиқ илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва университетларида, жумладан International Family Enterprise Research Academy (IFERA), PricewaterhouseCoopers, Institute for Family Business Eberhardt School of Business (АҚШ), Institute for Family Business (Буюк Британия), Family Business Research International Centre (Ҳиндистон), Center for Family Businesses of the University of Economics (Чехия), The National Mutual Family Business Research Unit of the Monash University (Австралия), Centre for Entrepreneurship and Family Enterprise at the University of Alberta (Канада), Россия Федерацияси Президенти ҳузуридаги халқ хўжалиги ва давлат хизмати академияси (Россия), Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда оилавий тадбиркорлик ролини оширишга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида бир қатор, жумладан, куйидаги илмий натижалар олинган: оилавий тадбиркорликни тадқиқ этиш йўналишлари, усуллари ва сўровномаларни тузиш услублари тавсия этилган (International Family Enterprise Research Academy (IFERA), PricewaterhouseCoopers); оилавий тадбиркорликни минтақа ва миллий даражада ривожлантиришнинг стратегик режалаштириш дастурлари ишлаб чиқилган, бошқарув самарадорлиги ва оила ресурсларининг молиявий натижаларга таъсири баҳоланган (Centre for Entrepreneurship and Family Enterprise at the University of Alberta, Institute for

⁴Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи <https://ifera.org/development/resources/>; <https://ojasfoundation.com/fabric/>; https://www.pwc.com/uz/en/assets/pdf/dbg_2016.pdf; <https://im.vse.cz/family-business/news/family-business-governance-conference/>; <https://business.pacific.edu/business/centers-and-institutes/institute-for-family-business/>; <https://www.ifb.org.uk/ifb-research-foundation/publications/>; <https://www.insead.edu/centres/family-enterprise/>; <https://www.sciencedirect.com/science/article/abs/pii/S0883902699000531>; https://www.ualberta.ca/business/centres/family-entrepreneurship/index.html?fbclid=IwAR1Hr10VEgXMQENZHWNBfb1jvjgp4Vr2SZbmgXhyCjO2i1BtFWpSn2130oI?utm_source=redir ва бошқа манбалар асосида тайёрланган;

Family Business Eberhardt School of Business); иқтисодий ўсишда оилавий тадбиркорликнинг ўлчамлари таснифланган ҳамда унинг таъсири баҳоланган (Institute for Family Business, Family Business Research International Centre); оилавий тадбиркорликнинг афзалликлари ва камчиликлари аниқланган ҳамда, унинг капитал тузилиш модели таклиф этилган (University of Economics, The National Mutual Family Business Research Unit of the Monash University); оилавий тадбиркорликнинг бошқарув ва меҳнат жараёнларидаги ўзаро самарали роллар тақсимоли асосланган ҳамда оила хўжалигини тадқиқ этиш услуги ишлаб чиқилган (Россия Федерацияси Президенти ҳузуридаги халқ хўжалиги ва давлат хизмати академияси, ТДИУ, СамИСИ).

Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда оилавий тадбиркорлик ролини оширишнинг методологик асосларини такомиллаштириш бўйича жаҳонда бир қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: иқтисодиётда оилавий тадбиркорликнинг ривожланиш тенденцияларини баҳолаш ва истиқболли йўналишларини асослаш; рақамли трансформациялашув жараёнларида оилавий тадбиркорликнинг аҳоли бандлиги ва меҳнат муносабатлари тизимидаги ролини ошириш; оилавий тадбиркорликда бошқарув, ижтимоий капитал, мерос ва гендер масалалари; оилавий тадбиркорликда муаммоларни аниқлашга тизимли ёндашиш; оилавий тадбиркорликни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш; ҳудудларни ривожлантиришда оилавий тадбиркорликнинг ролини баҳолаш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг илмий-методологик масалалари хорижлик олимлардан⁵, Боден М., Милес И., Еиченгреев Б., Гупта П., Есченбач Ф., Хоекман Б., Триплетт Й. Е., Босвортх Б. П., Корцзынски М., Михалёв И. В., Полянин А. В., В.К. Романович, С.Н.Коробкова, И. В.Михалёв, А. В. Полянин, В.К. Романович, Л. М. Кликич, Т. Д.Бурменко, Н. Н. Даниленко, Т. А. Туренко, Л. А. Сосунова, Д. В. Чернова, А.Я.Басс, Е. А. Разомасова, В.А. Плотников, М.Г. Иваненко, Д.Р. Хайруллина ва бошқалар томонидан тадқиқ этилган. Ушбу муаммоларни ўрганишга ўзбекистонлик олимлардан⁶ Б.А.Адукаримов,

⁵ Boden M., Miles I. (ed.). Services and the Knowledge-based Economy. – Psychology Press, 2000.; Eichengreen B., Gupta P. The two waves of service-sector growth //Oxford Economic Papers. – 2013. – Т. 65. – №. 1. – С. 96-123.; Eschenbach F., Hoekman B. Services policy reform and economic growth in transition economies, 1990-2004. – The World Bank, 2005.; Triplett J. E., Bosworth V. P. Productivity in the US services sector: new sources of economic growth. – Brookings Institution Press, 2004.; Михалёв И. В., Полянин А. В. Методологические подходы государственного регулирования в сфере услуг. – 2014.; Korczynski M. Human resource management in the service sector. – Basingstoke: Palgrave, 2002.; Романович В.К. Сервисная деятельность: учеб. пос.: под общ. ред В.К.Романович. / С.Н.Коробкова, В.И.Кравченко, С.В.Орлов, И.П.Павлова – 3-е изд. – СПб.: Питер, 2005. – 156 с.; Кликич Л. М. Эволюция сферы услуг: неравновесный подход //М.: Изд-во МСХА. – 2004. – С. 18; Бурменко Т. Д., Даниленко Н. Н., Туренко Т. А. Сфера услуг: экономика: учебное пособие //М.: кнорус. – 2007. – Т. 328.; Плотников В.А., Иваненко М.Г. Подходы к анализу понятий «сервис» и «услуга». Журнал. Техничко-технологические проблемы сервиса №3(33) 2015, стр.70.; Хайруллина Д.Р. Повышение эффективности управления развитием малых предприятий сферы услуг: дис. канд. экон. наук: 08.00.05. – , 2014. – 230 с.

⁶ Абдукаримов Б.А. Ички савдо иқтисодиёти. Дарслик. 2-нашр.– Т.: "ИQTISOD-MOLIYA", 2010. – 384 б.; Мухаммедов М.М., Мардонов Б.Б. Хизмат кўрсатиш соҳасида аҳоли бандлиги ва даромадлари. Монография. «Инновацион ривожланиш наشريёт-матбаа уйи». 2021. 186 б.; Пардаев М.Қ., Мирзаев Қ.Ж., Пардаев О.М. Хизматлар соҳаси иқтисодиёти. Ўқув қўлланма. – Т.: "ИQTISOD-MOLIYA", 2014. – 384 б.; Тухлиев И.С.,

М.Қ.Пардаев, М.М. Мухаммедов, Қ.Ж. Мирзаев, О.М. Пардаев, И.С.Тухлиев ва бошқаларнинг илмий ишлари бағишланган.

Оилавий тадбиркорликнинг миллий иқтисодиётдаги роли ва уни ривожлантиришнинг фундаментал масалалари кўплаб хорижлик олимлар томонидан ўрганилган⁷, жумладан, Ф. Энгельс, А.В. Чайнов, Г. С. Беккер, Р. Ц. Андерсон, Р. Басцо, Д. М. Рееб, Г. А. Таневски, Д. Прайого, А. Сохал, Т. Беэр, Й. А. Дрехлер, С. Фаулкнер, Ц. М. Даилы, М. Й. Доллингер, Галло, Мигуел Ангел ва Йаннице Свеен, Ц.А. Романо, Г.А. Таневски, К.Х.Смырниос, Бланцо-Мазагатос В, де Quevedo-Пуенте Е, Л.А.Цастрилло, Л.М Келлы ва Кец де Вриес, М. Дух, Й. Белак, Б.Милфелнер, В. Г. Йр. Дьер, М. Ц.Валлейо, Н.М.Бархатова, А. Волков, С. О. Календжян, Е.В.Корчагина, В.А. Королев, А.Черницкий ва бошқалар.

Ўзбекистонда оила хўжалиги тадбиркорлигининг фаолият кўрсатиши ва ривожланиши, оилавий тадбиркорлик салоҳиятини ошириш йўллари, хизмат

Турсунова Г.Р. Хизмат кўрсатиш соҳасида тадбиркорлик фаолиятининг асосий йўналишлари. // «Сервис» илмий – амалий журнали, 2012 йил, 4-сон. – 43-48 б.

⁷ Ф.Энгельс. Происхождение семьи, частной собственности и государства. - К.Маркс и Ф.Энгельс. Т.21.с.23-178; Н.Зверева. А.В.Чайнов о размере семьи и крестьянского домохозяйства. // Вестник статистики. 1991, № 7, с 47.; Беккер. Г. С. Человеческое поведение: экономический подход. Избранные труды по экономической теории / Г. С. Беккер: пер. с англ. / Сост., науч. ред. послесл. Р. И. Капелюшников; предисл. М. И. Левин. – М.: ГУ ВШЭ, 2003. – 672 с.; Anderson R. C. and Reeb D. M. (2003). Founding-family ownership and firm performance: Evidence from the S&P 500 // Journal of Finance, no. 58, pp. 1301–1328.; Basco, R. Family business and regional development—A theoretical model of regional familiness. Journal of Family Business Strategy (2015), <http://dx.doi.org/10.1016/j.jfbs.2015.04.004>; Tanewski G. A., Prajogo D. and Sohal A. (2003). Strategic orientation and innovation performance between family and non-family firms. Presented at the World Conference of the International Council of Small Business. Monash University.; Beehr T., Drexler J. A. and Faulkner S. (1997). Working in small family businesses: Empirical comparisons to non-family businesses. Journal of Organizational Behavior, no. 18(3), pp. 297–312.; Daily C. M. and Dollinger M. J. (1992). An empirical examination of ownership structure in family and professionally managed firms // Family Business Review, no. 5(2), pp. 117–136.; Исследования семейного бизнеса в России: подходы к определению и концептуальные особенности. Journal of Economic Regulation (Вопросы регулирования экономики) Том 6, №4. 2015, с 37-45.; Gallo, Miguel Angel, and Jannicke Sveen. "Internationalizing the family business: Facilitating and restraining factors." Family Business Review 4.2 (1991): 181-190.; Gallo M. A. The role of family business and its distinctive characteristic behavior in industrial activity //Family business review. – 1995. – Т. 8. – №. 2. – С. 83-97.; Romano C. A., Tanewski G. A., Smyrnios K. X. Capital structure decision making: A model for family business //Journal of business venturing. – 2001. – Т. 16. – №. 3. – С. 285-310.; Blanco-Mazagatos V., de Quevedo-Puente E., Castrillo L. A. The trade-off between financial resources and agency costs in the family business: An exploratory study //Family Business Review. – 2007. – Т. 20. – №. 3. – С. 199-213.; Kelly L. M., Athanassiou N. and Crittenden W. F. (2000). Founder Centrality and Strategic Behavior in the Family-Owned Firm. Entrepreneurship Theory and Practice, no. 25(2), pp. 27–42.; Kets de Vries M. (1993). The Dynamics of Family Controlled Firms: The Good and the Bad News. Organizational Dynamics, no. 21(3), pp. 59–71.; Duh M., Belak J. and Milfelner B. (2010). Core Values, Culture and Ethical Climate as Constitutional Elements of Ethical Behaviour: Exploring Differences Between Family and Non-Family Enterprises // Journal of Business Ethics, no. 97, pp. 473–489.; Dyer W. G. Jr. (2003). The Family: The Missing Variable in Organizational Research // Entrepreneurship Theory and Practice, no. 27(4), pp. 401–416.; Vallejo M. C. (2008). Is the Culture of Family Firms Really Different? A Value-Based Model for Its Survival through Generations // Journal of Business Ethics, no. 81(2), pp. 261–279.; Бархатова Н. М. (1999). Семейный бизнес и семьи в бизнесе // ЭКО, № 2. (<http://ecotrends.ru/subscribe/1841-2014-03-06-10-13-03> - Дата обращения: 25.10.2015); Волков Д. А. (2011). Стадии и жизненные циклы развития семейного бизнеса // Российское предпринимательство, Вып. 2, с. 11-16; Календжян С. О. и Волков Д. А. (2011). Развитие семейного предпринимательства в России // Экономическая политика, № 5, с. 148-154; Корчагина Е.В. Исследования семейного бизнеса в России: подходы к определению и концептуальные особенности. Journal of Economic Regulation (Вопросы регулирования экономики) Том 6, №4. 2015. с. 37-45; Королев В. А. (2007). Российский собственник на 20 летнем горизонте: структура собственности, роль семьи и корпоративное управление // Российский журнал менеджмента, № 5 (3), с. 145–174; Черницкий А. (2008). Семья и бизнес: у «них» и у «нас» // Справочник по управлению персоналом, № 1. (http://www.personal.ru/journal/268/7535/?print=Y&sphrase_id=871548

кўрсатиш соҳасида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш муаммоларини А.Ўлмасов, Ҳ.П.Абулқосимов, А.А.Қулматов, У.Д. Ахмедов, Б.Беркинов, М.К. Пардаев, О.М. Пардаева, И.Л. Пугач, Р.Б. Муртазина, Г.М. Шадиева, Д.Т.Юлдашев⁸ ва бошқа олимлар томонидан тадқиқ қилинган.

Юқорида келтирилган олимларнинг илмий тадқиқотлари ушбу йўналишда қилинган илмий ишлар ичида ўз ўрни ва аҳамиятига эга, аммо хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда оилавий тадбиркорлик ролини оширишнинг методологик жиҳатларини такомиллаштириш билан боғлиқ масалалар тадқиқотлари доирасидан четда қолган. Хусусан, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда оилавий тадбиркорлик ролини баҳолаш услубларини такомиллаштиришнинг методологик масалалари етарлича тадқиқ этилмаган. Бундан ташқари, хизмат кўрсатиш соҳаси ва оилавий тадбиркорликни бир-бирига узвий боғлиқликда ва бутун бир яхлит ҳолда ўрганишга бағишланган илмий ишлар ҳам етарли эмас. Юқорида қайд этилган фикрлар тадқиқотнинг мақсади ва вазифаларини белгилаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг “Иқтисодиётдаги чуқур таркибий ўзгаришлар шароитида хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқларини ривожлантиришнинг назарий ва амалий муаммолари” мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ бажарилган.

Тадқиқот мақсади хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда оилавий тадбиркорлик ролини очиб бериш ҳамда уни самарали ривожлантиришнинг методологик асосларини такомиллаштириш бўйича илмий-амалий тавсия ва таклифларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда оилавий тадбиркорликнинг ролини назарий жиҳатдан таҳлил этиш ҳамда муаллифлик қарашларини шакллантириш;

хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда оилавий тадбиркорлик ролини тадқиқ этишнинг услубий ёндашувларини аниқлаштириш;

⁸ Ўлмасов А. Оила иқтисоди. Тошкент - “Меҳнат” – 1998.; Пардаев М.Қ. Оила хўжалиги иқтисодиёти ва тадбиркорлиги. Самарқанд 2001й.; Шодиева Г. Оила хўжалиги фаровонлигини оширишда ташкилий-иқтисодий омилларни ва сервисни ривожлантириш муаммолари.// Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация. С., 2008 й.; Ҳ.П.Абулқосимов, А.А.Қулматов. Ўзбекистонда кичик бизнес соҳасида оилавий тадбиркорликнинг ўрни ва уни ривожлантириш йўллари./Монография.-Т.: “Университети”, 2015.; Ахмедов У.Ҳ. Қишлоқ жойларида уй хужалиқларининг ривожланиш истикболлари. (Монография). -Т.: «Fan va texnologiya», 2014, 152 б.; Беркинов Б.Б.. Оилавий тадбиркорлик салоҳиятини ошириш йўллари. (Монография).- Т.: “Fan va texnologiya”, 2019, 189 бет; Муртазина Р.Б. О развитии семейного бизнеса в Узбекистане (По материалам социологического исследования).//Общественные науки в Узбекистане. №2,2012г.; Пардаева О.М. Хизмат кўрсатиш соҳасида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш йўллари. Иқтисод фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Самарқанд, 2020 й, 32-б.; Юлдашев Д.Т. Совершенствование экономического механизма развития семейного предпринимательства. Автореферат диссертации доктора философии (PhD) по экономическим наукам. Ташкент, 2019 й, 54-с.

оилавий тадбиркорликни ривожлантиришнинг хорижий моделларини тадқиқ этиш орқали мамлакатимизда оилавий тадбиркорлик фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

хизмат кўрсатиш соҳасида оилавий тадбиркорликнинг асосий белгиларини очиб бериш;

оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизими самарадорлигини баҳолаш услубини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда оилавий тадбиркорлик ролини баҳолашнинг мезон ва кўрсаткичларини ишлаб чиқиш;

хизмат кўрсатиш соҳаси ривожланишининг асосий таркибий тенденцияларида оилавий тадбиркорлик ролини аниқлаш орқали ҳудудлар ривожланишини таснифлаш услубиётини такомиллаштириш;

хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда оилавий тадбиркорлик ролини оширишнинг институционал асосларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

иқтисодий – математик усуллар ёрдамида хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланишида оилавий тадбиркорлик ролини оширишга таъсир этувчи аҳамиятли омилларни тадқиқ қилиш;

ҳудудий ривожланишда оилавий тадбиркорликнинг ролини оширишнинг концептуал асосларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти сифатида хизмат кўрсатиш соҳасидаги оилавий тадбиркорлик субъектлари фаолияти олинган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб, оилавий тадбиркорлик субъектларида содир бўлаётган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда синергетика ва диалектика, таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, тизимли таҳлил, социологик тадқиқот, SWOT-таҳлил ҳамда иқтисодий-математик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

оилавий тадбиркорликнинг назарий-институционал асослари унга синергетикага хос хусусиятларга эга бўлган тизим сифатида ҳамда улар фаолиятининг самарали амал қилишини расмий ва норасмий қоидалари асосида қўллаб-қувватлаш ва тартибга солиш механизмлари негизида такомиллаштирилган;

оилавий тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб-қувватлашни баҳолаш кўрсаткичлари тизими ва дастур доирасида бизнес-лойиҳаларни амалга ошириш механизми аҳолининг ушбу хизматларга кетадиган вақт билан боғлиқ трансакция харажатларини камайтириш асосида такомиллаштирилган;

ҳудудлар ривожланишини баҳолашнинг мезон ва кўрсаткичлари тизими оилавий тадбиркорликнинг ҳудуд иқтисодиётидаги ва хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришдаги ролини ифодаловчи миқдор ва сифат кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда такомиллаштирилган;

ҳудуд ва маҳаллаларни рейтинг баҳолаш методикаси “оилавий тадбиркорликни ривожлантириш” индекси асосида ҳудуд (маҳалла)ларни

“яшил”, “сарик” ва “қизил” тоифалар бўйича табақалаштирган ҳолда қўллаб-қувватлаш ёндашувига кўра такомиллаштирилган;

хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда оилавий тадбиркорлик ролини маҳаллабай ёндашуви асосида оширишга йўналтирилган ҳудудий ривожланиш механизми ўз таркибига кўра махсус ишлаб чиқилган мақсадли параметрларини мужассам этган ҳолда такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

оилавий тадбиркорликнинг таърифи унинг синергетикага хос хусусиятлари асосида такомиллаштирилган;

оилавий тадбиркорликнинг бошқа тадбиркорлик субъектларидан фарқли жиҳатлари ва муҳим белгилари асосланган ва бу борадаги муаллифлик ёндошуви асосида илк бор унинг таснифи берилган;

оилавий тадбиркорликнинг миллий иқтисодиётдаги аҳамияти ошиб бораётганлиги туфайли унинг жамиятдаги ўрни ва функциялари ҳам такомиллашаётганлиги, оила, тадбиркорлик ва давлат функцияларининг ўзаро интеграциялашуви жараёнида ҳосил бўладиган синергетик самара ҳам илк бор асосланган;

хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда оилавий тадбиркорлик ролини баҳолаш орқали ҳудудлар ривожланишини тоифалаш ва давлат молиявий ресурсларини самарали тақсимлаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда оилавий тадбиркорлик ролини оширишга таъсир этувчи асосий омиллар аниқланган, уларнинг боғлиқлигини ифодаловчи эконометрик моделлари ишлаб чиқилган;

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги таҳлил жараёнида Ўзбекистон Республикаси иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Давлат статистика қўмитасининг расмий маълумотларидан фойдаланилганлиги, ишда қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги ва илмий асосланганлиги ҳамда тегишли хулоса ва тавсияларнинг ваколатли тузилмалар томонидан амалиётга жорий қилингани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда оилавий тадбиркорликни ролини баҳолашнинг услубий ёндашувларини илмий асослаш ҳамда оилавий тадбиркорликни тартибга солишнинг ташкилий ва институционал асосларини такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти хизматлар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ҳамда янги тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш бўйича ҳудудий дастурлар ва прогнозларни ишлаб чиқиш, оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш марказлари фаолиятини такомиллаштириш, соҳага оид ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни тайёрлаш, соҳани самарали ривожлантиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқишда, шунингдек «Мехмонхона хўжалигида хизматлар сифатини бошқариш», «Миллий ва минтақавий иқтисодий

хавфсизлик», «Кичик бизнес ва тадбиркорлик» фанлари бўйича ўқув дастурларини такомиллаштириш, дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар тайёрлашда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда оилавий тадбиркорлик ролини оширишнинг методологик масалалари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

оилавий тадбиркорликнинг назарий ва институционал асосларини такомиллаштириш бўйича таклифлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги томонидан “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг янги тахрирдаги лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатининг 2021 йил 21 майдаги № 04/2-02-69-сон маълумотномаси; Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2020 йил 31 декабрдаги №03/22-01-10/10-2024-сон маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш оилавий тадбиркорлик фаолиятини тартибга солишда қўлланиладиган янги нормалар ва ваколатларни белгилаш ва унинг ҳуқуқий асосларини мустахкамлашга хизмат қилган;

оилавий тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш дастурларини баҳолаш кўрсаткичлари тизими бўйича таклифлари Ўзбекистон Республикаси иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлигининг “Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш” ҳамда “Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш дастурларини мониторинг қилиш” бошқармалари томонидан амалиётга жорий этилган (Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2020 йил 31 декабрдаги №03/22-01-10/10-2024-сон маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш оилавий тадбиркорликни ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб - қувватлаш тадбирлари самарадорлигини баҳолаш имконини берган;

хизматлар соҳасини ривожлантиришда оилавий тадбиркорликнинг ролини баҳолаш мезон ва кўрсаткичлари тизими ҳамда уларни ҳисоблаш усуллари бўйича таклифлари Ўзбекистон Республикаси иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлигининг “Ишбилармонлик муҳитини яхшилаш ва тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш” бошқармаси ҳамда “Кичик бизнес ва тадбиркорликни номолиявий қўллаб-қувватлаш” бўлими фаолиятида фойдаланилган (Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2020 йил 31 декабрдаги №03/22-01-10/10-2024-сон маълумотномаси). Ушбу таклифлардан фойдаланиш ҳудудларда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, ҳамда оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган самарали чора-тадбирларни ишлаб чиқишнинг миллий методологик асослари ва ёндашувларини такомиллаштириш имконини берган;

худуд (маҳалла)ларнинг “оилавий тадбиркорликни ривожлантириш” индекси асосида рейтингини баҳолаш методикаси бўйича таклифлари Ўзбекистон Республикаси иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги томонидан амалиётга жорий этилган (Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2020 йил 31 декабрдаги №03/22-01-10/10-2024-сон маълумотномаси; Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг 2021 йил 30 июндаги №02-09/1690 - сон маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш Ўзбекистон Республикаси худудлари ва маҳаллаларининг оилавий тадбиркорликни ривожланиш даражаси бўйича ҳолатини рейтинг асосида ёрқин акс эттириш имконини берган;

хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда оилавий тадбиркорлик ролини маҳаллабай ёндашуви асосида оширишга йўналтирилган худудий ривожланиш концепцияси бўйича таклифи Ўзбекистон Республикаси маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг “Бандликка кўмаклашиш, тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш” бошқармаси томонидан амалиётга жорий этилган (Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг 2021 йил 30 июндаги №02-09/1690 - сон маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш оилавий тадбиркорликни ривожлантиришнинг маҳаллабай ёндашуви бўйича чоратадбирларнинг амалга оширилиши натижасида 2021-2022 йилларда бандликка кўмаклашиш соҳасида Самарқанд вилояти бўйича режалаштирилган янги иш ўринлари сони параметрларини 12,1 %га кўпайтириш ва ишсизлик даражасини 0,8 %га қисқаришига имкон яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 35 та, жумладан 10 та халқаро ва 25 та республика илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 49 та илмий иш, шу жумладан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 15 та мақола, жумладан, 11 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 247 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва асосий вазифалари, объекти ва предмети шакллантирилган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот

натижаларини амалиётга жорий қилишнинг синовдан ўтганлиги, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертация ишининг «Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда оилавий тадбиркорлик ролини аниқлаш методологияси» деб номланган биринчи бобида оилавий тадбиркорликни ривожлантиришнинг назарий ёндошувларини илмий-назарий жиҳатдан таҳлил этиш асосида улар гуруҳлар бўйича тизимлаштирилди ҳамда, “оилавий тадбиркорлик” ва “сервис соҳаси оилавий тадбиркорлиги” тушунчаларининг муаллифлик таърифи ишлаб чиқилган. Шулар асосида хизмат кўрсатиш соҳасида оилавий тадбиркорликнинг ижтимоий-иқтисодий моҳияти асосланган, ушбу соҳанинг турли фаолият йўналишлари бўйича оилавий тадбиркорликнинг роли таснифланган ва функциялари тизими такомиллаштирилган.

1-жадвал

Оилавий тадбиркорликнинг синергетикага хос хусусиятлари⁹

Синергетика тушунчалари	Оилавий тадбиркорликни тадқиқ этишда қўлланиши
“Очиқ тизим”	Оилавий тадбиркорлик - очиқ тизим сифатида
“Тизим элементлари”	Оилавий тадбиркорлик ўзига хос тизим сифатида унинг барча ташкил этувчи элементлари (капитали, мулки, аъзолари) ўзаро таъсирда ва боғлиқликда бўлиши
“Тизим таснифи”	“Оила - мулк - тадбиркорлик” кичик тизимларининг муаян мақсад сари бирикиши оилавий тадбиркорликнинг тизим сифатидаги таснифини ифода этади
“Бифуркация нукталари”	Бифуркация нуктаси – оилавий тадбиркорликда миқдор ва сифат ўзгаришларга эришиш бўйича чора-тадбирларни қўллаш орқали ривожланишнинг янги ўсиш нукталарини аниқлашдир.
“Синергетик ёндашув”	Синергетика - мураккаб тизимларнинг ривожланиши ва ўзини-ўзи ташкил этиш принципларини аниқлашга қаратилган ёндошув бўлиб, оилавий тадбиркорликни ривожлантиришда улкан назарий ва амалий аҳамият касб этади. Чунки оилавий тадбиркорликни ривожланиш қонуниятлари ва ўзига хос омиллари бу тизимга синергетик ёндашувни зарурат этади.
“Синергетика методологияси	Оилавий тадбиркорлик - мураккаб очиқ системага хослиги ва унинг ўз-ўзини ташкиллаштириш хусусиятларининг мавжудлиги боис унга синергетика методологиясини қўллаш мумкин. Синергетика методологияси - оилавий тадбиркорлик соҳасидаги мураккаб муаммоларни тадқиқ этиш ва бу жараёнларнинг моҳиятини илмий асослашда услубий қурол вазифасини ўтайди.
Синергетик бошқариш инструментлари	Кооперация, кўмаклашиш, ҳамкорлик, биргаликда ҳаракат, шартнома, кафолат – оилавий тадбиркорликни синергетик бошқариш инструментларидир.
“Синергетик самара”	Яхлитлик ўз қисмлари йиғиндисидан катта (1+1=3). Ёки, тизим элементларининг алоҳида фаолияти натижасидан уларнинг биргаликда, ҳамжиҳатликда ишлаши самараси юқори бўлади. Шу аснода оилавий тадбиркорликда оила ва унинг капитал-мулки органик равишда боғлиқ ҳаракатланиши синергетик самара беради.

⁹ муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда оилавий тадбиркорликнинг ролини тадқиқ этиш, дастлаб “хизмат” ва “сервис” тушунчаларининг моҳиятини очиб беришни таққозо этади. Бу борада ушбу категорияларнинг моҳияти, таърифи ва бир-биридан фарқ қилувчи жиҳатларининг қиёсий таҳлилига кўра, сервис - бу фаолият бўлиб, хизмат - эса сервис фаолиятининг натижаси деган қараш асослангилди.

Хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиш қонуниятларини аниқлашда оилавий тадбиркорликга тизим сифатида ёндашилди ва унинг синергетикага хос хусусиятлари очиб берилди (1-жадвал).

Оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, ривожлантириш ва бошқаришга синергетик ёндошув тамойилларини қўллаш асосида унга таъриф берилди.

2-жадвал

Оилавий тадбиркорликнинг асосий белгилари тавсифи¹⁰

Белгилари	Тавсифи
Оилавий тадбиркорлик иштирокчилари	Юридик шахс ташкил этмаган ҳолда оилавий тадбиркорлик субъектлари 3 нафаргача доимий ишчиларни ёллашга, улар билан меҳнат шартномаси тузишга, шунингдек, меҳнатга лаёқатли ёшга тўлган бошқа яқин қариндошларини, шу жумладан, меҳнатга лаёқатли ёшга тўлган болалари ва невараларининг эр-хотинларини, меҳнатга лаёқатли ёшга тўлган ака-укалари ва опа-сингилларини, уларнинг эр-хотинларини юридик шахс ташкил этмаган ҳолда оилавий тадбиркорлик субъекти иштирокчилари сифатида жалб этишга ҳақли.
Оилавий тадбиркорлик иштирокчилари сони	Оилавий корхона иштирокчилари ва унинг ёлланма ходимларининг умумий сони кичик тадбиркорлик субъектлари ходимларининг қонун ҳужжатларида белгиланган ўртача йиллик сонидан кўп бўлиши мумкин эмас. Бунда унинг энг кам сони – 2 нафардан кам бўлмаслиги керак.
Ташкилий-ҳуқуқий шакли	юридик шахс (оилавий корхона) юридик шахс ташкил этмасдан (оилавий тадбиркорлик)
Молиялаштириш	- ўзини-ўзи молиялаштириш - Давлат дастурлари, жамғармалар, банк кредитлари
Бошқарув шакли	Жамоавий (оилавий) бошқарув органи
Бизнесни бошқаришга жалб қилинадиган оила аъзолари	Оила аъзолари ва яқин қариндошлари: - биринчи авлод (ота, она, эр, хотин); - иккинчи авлод (ўғиллари, қизлари, жиянлар, опа-сингил ва ака-укалар); - учинчи авлод (неваралар ва бошқа оғайин-ҳамкорлар).
Мансаб ва ходимлар билан муносабатларда ваколатлилик ва қонунийлик	- ўз ҳуқуқларини бир-бирига тўлиқ ёки қисман топшириш; - оилавий муносабатлар ва кадриятлар асосида - оилавий корхона Низомига мувофиқ
Соҳавий алоқадорлиги	- хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси; - қишлоқ хўжалиги; - саноат ишлаб чиқариш ва б.

¹⁰ муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

Оилавий тадбиркорлик деганда умумий оилавий капиталга таяниб, оила аъзоларининг биргаликдаги ҳаракати, ўзаро кўмаклашуви ва ўзини-ўзи бошқаришга асосланган тадбиркорлик фаолияти тушунилади. Бундай ёндошув натижасида оилавий тадбиркорликни кўллаб-қувватлаш ва бошқариш тизимини “ўзини-ўзи ташкилаштириш” ва “ўзини-ўзи бошқариш” тамойиллари асосида такомиллашувига эришиш мумкин. Шунга кўра, оилавий тадбиркорликнинг бошқа тадбиркорлик субъектларидан фарқли жиҳатлари ва муҳим белгилари муаллифлик ёндашувида тавсифланди (2-жадвал).

Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда оилавий тадбиркорлик фаолиятининг рақобатбардошлиги, шунингдек кучли ва кучсиз томонлари ҳамда, имкониятлари ва хавф-хатарлари ҳам аниқланди (3-жадвал).

3-жадвал

Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда оилавий тадбиркорлик фаолиятининг SWOT таҳлили¹¹

Кучли томонлари	Кучсиз томонлари
<ul style="list-style-type: none"> • меҳнатни ташкил этишининг осон ва қулайлиги, ҳамда ҳар бир оила аъзоси корхонада юз берадиган жараёнларни билиб бориши; • корхона бошқарувидаги ўзаро алоқа тезлиги (қарор қабул қилиш ва уни амалга ошириш қисқа фурсатда рўй беради). • хўжалик аъзоларининг маълум бир оилага мансублиги, меҳнатни ташкил этишда ишчи кучи оиланинг ўзида етишиб чиқиши ва энг муҳими уй бекалари меҳнатидан фойдаланилиши; • мулкый ҳамда иш берувчи ва ишчилар ўртасидаги муносабатларда “меники” ва “сеники” деган зиддиятларнинг йўқлиги; • меҳнат натижасидан манфаатдорликнинг бир хиллиги; • ишчи ходимлар учун қилинган харажатлар ўзини тезда қоплаши; • ворислик, ўз мутахассисларини ўзи учун тарбиялашга интилиши; • юқори бизнес-маданиятнинг мавжудлиги (ўзаро ишонч ва ҳурмат, ягона мақсад, умумий манфаат, иноқ жамоа, умумий капитал, умумий даромад, умумий бюджет); • хўжалик юритишнинг бошқа шаклларига нисбатан яшаш циклининг (авлоддан-авлодга ўтиши) узунлиги; • • хизмат кўрсатишни мижозлар эҳтиёжига тез мослаштириш;; • маҳалий хом ашёлардан кенг 	<ul style="list-style-type: none"> • бошқарув ва меҳнат муносабатларида оилавий кадриятларнинг устунлиги; • муайян расмий ва лавозимий чегараларнинг йўқлиги; • бошқарувда урф-одат, анаъналар ва кадриятларга кўпроқ бўйсиниши унга инновацион усулларни кўллашга тўсқинлик қилиши; • молиявий ресурсларининг чекланганлиги; • кам сонли ишчилар билан фаолият юритиши; • ёлланма меҳнатдан фойдаланиш имкониятларининг чекланганлиги (бир марталик ишлар учун ёлланма ишчиларни жалб қилиши мумкин); • тор ихтисосликдаги мутахассисларнинг йўқлиги; • ходимлар малакасининг пастлиги; • кам сонли ходимлар туфайли ҳар бир жараён учун алоҳида маъсул жавобгарнинг йўқлиги; • ҳар бир алоҳида жараён учун унинг бажарилиши ва назорати учун махсус бўлинмаларнинг (бўлим, цех) мавжуд эмаслиги; • бизнес-жараён занжирининг анча қисқалиги; • меҳнат жараёнининг кам механизациялашганлиги ёки қўл

¹¹ муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

<p>фойдаланиши ҳамда яратилган товар ва хизматлардан хорижий ва маҳаллий сайёҳлар томонидан кенг харид қилиниши;</p> <ul style="list-style-type: none"> • доимий ўзгариб турадиган бозорда оилавий корхоналар фаолиятини тартибга солиш жуда осон ва арзон кечиши. 	<p>меҳнатига таяниши;</p> <ul style="list-style-type: none"> • ташқи бозордаги ихтисослашув даражасининг анча пастлиги.
<p style="text-align: center;">Имкониятлари</p>	<p style="text-align: center;">Хавф-хатарлари</p>
<ul style="list-style-type: none"> • оила хўжалиги ресурсларини ишлаб чиқариш мақсадларида бирлаштиради; • қарорларни қабул қилишдаги эркинлик; • тадбиркорларнинг асосий капиталга (уй-жой, бино, асбоб - ускуна) бўлган харажатлари тежалади; • оила аъзоларининг ижодий ва интеллектуал қобилиятларини қўллади; • оила активлари хисобидан ишлаб чиқаришни кенгайтириш имкониятининг борлиги; • ҳунарларнинг отадан ўғилга мерос бўлиб қолиши ва уста-шоғирд анъаналарига таяниши; • меҳнат жараёнини оила муҳитидан ажралмаган ҳолда ташкил этиш имконияти; • “темир дафтар”га киритилган оилалар микрокредитларни олишда бирмунча афзалликларга эгаллиги; • оила иқтисодий салоҳиятидан тўлиқ фойдаланиш имконияти. 	<ul style="list-style-type: none"> • янги рақобатчи корхоналарнинг пайдо бўлиши; • ишлаб чиқариш жараёни оилавий шароитга мос ҳолда олиб борилиши бу жараёнларга инновацияларни қўллаш имкониятларини чеклайди ва банкрот бўлиш хавфини оширади; • ўз имкониятларига кўпроқ таяниши; • оилавий низолар юз берганда бизнеснинг барбод бўлиш эҳтимолининг мавжудлиги; • Covid-19 пандемияси шароитида умумий овқатланиш корхоналарида санитария талаблари билан боғлиқ мижозларнинг камайиш хавфи; • турли инқирозларнинг таҳдид ва салбий оқибатларига бардош бера олиш қобилиятининг анча пастлиги; • қарзлари бўйича оила мол-мулки доирасида жавоб беради.

Диссертацияда оилавий тадбиркорлик – ҳар бир оиланинг энг муҳим функцияси сифатида қаралди. Бунда оилавий тадбиркорликнинг турли ижтимоий функциялари билан бир қаторда унинг камбағаллик муаммоларини ҳал этишдаги роли илмий жиҳатдан асослантирилди. Шунингдек, «оила – тадбиркорлик – давлат» функцияларининг ўзаро интеграциялашуви натижасида ҳосил бўладиган синергетик самара баҳоланди.

Диссертация ишининг «**Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда оилавий тадбиркорлик ролини тадқиқ этишнинг услубий ёндашувлари**» деб номланган иккинчи бобида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда оилавий тадбиркорлик ролини баҳолаш усуллари таснифланган ва оилавий корхоналар иқтисодий салоҳиятининг таркибий кўрсаткичлари аниқланган, оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизими натижадорлиги ва самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлари такомиллаштирилган ҳамда оилавий тадбиркорликни ривожлантиришнинг хорижий тажрибалари асосида улардан Ўзбекистон амалиётида фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Оилавий тадбиркорликнинг ривожланиш ҳолатини ҳудудий дастурларнинг натижадорлиги ва самарадорлиги билан баҳолаш мумкин.

Оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизими натижадорлиги - давлат дастурларининг ижроси билан боғлиқ бўлиб, дастурнинг қўйилган мақсадларга эришганлик даражасини ифодалайди. Оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизими самарадорлиги эса мақсадли давлат дастурларини амалга ошириш ҳисобига эришилган натижаларнинг, шу натижаларга эришиш учун барча манбалардан сарфланган харажатларга нисбати тушунилади.

Тадқиқотлар натижасида оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш дастурлари натижадорлигини баҳолаш учун кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги асосланди. Булар таркибига қуйидаги кўрсаткичларни киритиш ва уларни аниқлаш йўллари таклиф этилди (4-жадвал).

4-жадвал

Оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш дастурлари натижадорлигини баҳолашда қўлланиладиган кўрсаткичлар ва уларни аниқлаш йўллари¹²

Т/р	Кўрсаткичлар	Ҳисоблаш усуллари	Изоҳ
1.	Оилавий корхоналарнинг барча корхоналардаги улуши, % (N_1)	$N_1 = \frac{Ok * 100}{Jk} * Km1;$	Ok – оилавий корхоналар сони; Jk – барча корхоналар сони; Kmi – моҳиятлилик коэффициенти.
2.	Оилавий корхоналарда банд бўлганларнинг барча банд аҳолидаги улуши, % (N_2)	$N_2 = \frac{Okb * 100}{Bkb} * Km2;$	Okb – оилавий корхоналарда банд бўлганлар сони; Bkb – барча банд бўлган аҳоли сони;
3.	Оила даромадларида тадбир-корлик даромадларининг улуши, % (N_3)	$N_3 = \frac{Od * 100}{Td} * Km3;$	Od – оилада тадбиркорликдан олинган даромадлар, сўм; Td – оиланинг барча даромадлари;
4.	ЯҲМ ҳажмида оилавий корхоналарнинг даромадлари улуши, % (N_4)	$N_4 = \frac{Td * 100}{ЯҲМ} * Km4;$	Td – оиланинг барча даромадлари, сўм; ЯҲМ – ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми, сўм.
5.	Оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш дастурлари натижадорлигининг умумлашган кўрсаткичи ($OT_{H_{KOM}}$)	$OT_{H_{KOM}} = \frac{\sum(Ni * Kmi)}{\sum ni};$	$\sum(Ni * Kmi)$ – барча кўрсаткичларнинг Kmi билан жамланган миқдори; $\sum ni$ – барча кўрсаткичлар сони.


Дастурнинг ҳар бир натижавий кўрсаткичи бўйича унинг самарадорлигини қуйидаги формулада ҳисоблаш мумкин:

¹² муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

$$S_{Ni} = \frac{N_i}{X_i}; \quad (1)$$

Бунда, S_{Ni} – i -чи натижа бўйича дастур самарадорлиги;
 N_i – i -чи кўрсаткич бўйича эришилган натижадорлик кўрсаткичи;
 X_i – i -чи кўрсаткич бўйича эришилган натижага қилинган харажат.

Оилавий тадбиркорликни қўллаб–қувватлаш тизими самарадорлиги, уни ташкил этувчи кўп сонли ташкилий тузилмалар фаолияти билан боғлиқ бўлиб, улар ташкилий, иқтисодий, ҳуқуқий, мотивацион ва институционал йўналишлардан таркиб топиши асосланди. Мамлакатимизда амалдаги “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастури мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, оилавий тадбиркорликни қўллаб–қувватлашнинг ташкилий механизми таклиф этилди (1-расм).



1-расм. Оилавий тадбиркорликни қўллаб–қувватлашнинг ташкилий механизми¹³

Хизмат кўрсатиш соҳасида оилавий тадбиркорлик ролини аниқлашнинг услубий йўналишларини тизимлаштириш асосида, оилавий тадбиркорлик муаммоларини аниқлашга тўғри услубий йўналиш берувчи методологик харита ишлаб чиқилди. Шу асосда Самарқанд вилоятининг турли ҳудудларидан тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган 121 та оиланинг тадбиркорлик фаоллиги даражаси баҳоланди.

¹³муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Оилавий тадбиркорликни ривожлантиришнинг хорижий тадқиқот услублари ҳамда мулкга оид ҳуқуқларни таснифлашнинг институционал ёндашувларини тадқиқ этиш натижасида ("оила-мулкдор-бошқарув" кичик тизимларининг ўзаро нисбатлари), хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда оилавий тадбиркорлик ролини оширишнинг меъёрий-ҳуқуқий ва институционал асосларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Диссертация ишининг «**Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда оилавий тадбиркорлик ролини ошириш билан боғлиқ муаммолар таҳлили**» деб номланган учинчи бобида республикада хизмат кўрсатиш соҳаси фаолият турлари бўйича оилавий тадбиркорликнинг ривожланиш ҳолати, улар фаолиятини молиялаштиришнинг самарадорлигини ошириш билан боғлиқ муаммолар таҳлили ва оилавий тадбиркорликнинг ижтимоий-меҳнат муносабатлари тизимидаги ҳамда янги иш ўринларини яратишдаги ўрни таҳлил этилган.

Иқтисодиёт тармоқлари бўйича оилавий корхоналар фаолиятининг таҳлили шуни кўрсатдики, энг юқори самарадорлик саноат соҳасига (38,6%) ва энг паст ташиш ва сақлаш хизматларига (0,8%), янги ташкил этилган оилавий корхоналар бўйича энг юқори саноат соҳасига (1640 та) ва энг паст ташиш ва сақлаш хизматларига (35та), оилавий корхоналарнинг товар ва хизматлар сотишдан тушган соф тушуми бўйича энг юқори саноат соҳасига (40,8%) ва энг паст ташиш ва сақлаш хизматларига (0,8%) тўғри келди. Умум ҳисобда оилавий корхоналарнинг иқтисодиёт соҳалари бўйича фаолиятининг энг юқори самарадорлик кўрсаткичи саноат соҳасига ва энг паст ташиш ва сақлаш хизматларига тўғри келди.

Оилавий тадбиркорлик фаолиятида дастлабки капитални шакллантириш ниҳоятда муҳим. Ўтказилган сўров натижаларига кўра, респондентларнинг ҳар бири тадбиркорлик билан шуғулланиш истаги борлигини, буни амалга ошириш учун эса молиявий кўмакга эҳтиёжи борлигини қайд этишган. Хусусан, “Бизнес фаолиятингизни молиялаштириш манбаларини кўрсатинг?” деган саволга респондентларнинг 76,6 %и “банк ва ўз маблағларим ҳисобига” деб жавоб беришган. Шу асосда, оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган омиллардан энг асосийси молиявий омил эканлиги инобатга олиниб, уй хўжалиги даромадлари, мулки ва жамғармаларидан тадбиркорлик капитали сифатида фойдаланиш имкониятлари таҳлил этилди.

Оилавий тадбиркорликда меҳнат муносабатлари “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги қонуннинг 13-моддасидаги нормаларга риоя этилиши белгилаб қўйилган, аммо меҳнат жараёнида унинг аъзолари роли ва вазифалари ҳамон оилавий кадриятларга бўйсинади. Бундай мураккаб жараён “корхона бошлиғи – оила аъзолари – ишчи ходимлар” ўртасидаги муносабатларда намоён бўлиши, унинг меҳнат муносабатлари тизимидаги ўзига хос жиҳати сифатида тадқиқ этилди (5-жадвал). Бунда, оилавий тадбиркорликнинг чекланган сонли ишчилар билан характерли субъект эканлиги, улар фаолияти самарадорлигини ошириш имкониятларини чеклаши «оилавий тадбиркорликда меҳнат жараёнини самарали ташкил этиш

роллари тўғри тақсимлаш билан боғлиқ» деган гипотезани асослантди. Шулардан келиб чиқиб, оилавий корхоналарда «оилавий муносабатлар - меҳнат муносабатлари»нинг ўзаро уйғунлигини таъминлаш асосида уларнинг ривожланиб бораётган меҳнат муносабатлари тизимидаги ролини ошириш бўйича таклифлар берилди.

5-жадвал

Аҳоли бандлиги ва меҳнат муносабатлари тизимида оилавий тадбиркорликнинг роли¹⁴

Аҳоли бандлигини таъминлашдаги роли	Меҳнат муносабатлари тизимидаги роли
аҳолини яшаш манзили бўйича иш билан таъминлайди;	бир оила аъзолари ва уларнинг қариндошлари ўз корхоналарининг ходимлари эканлиги;
аҳолининг меҳнат бозори тоифаларига кўра энг кам рақобатли иш ўрни билан таъминлайди;	меҳнатни ташкил қилиш ва жамоани бошқаришдаги қулайликлар;
чекланган, кам сонли ишчилар билан кўзланган самарадорликни таъминлайди;	барча оила аъзоларининг меҳнат фаолиятига жалб қилиниши;
хотин-қизлар ва ёшлар бандлигини таъминлашнинг энг самарали йўли эканлиги;	меҳнат натижасидан манфаатдорликнинг бир хил бўлиши;
эгиловчан иш жадвали асосида банд бўлишни истовчи аҳоли тоифаси учун қулай иш ўрни эканлиги;	ёш авлодни тарбиялаш ва ишчи кучини такрор ишлаб чиқаришда иштирок этиши;
уй меҳнатида банд бўлиш билан бирга таълим олиш ва ижтимоий ҳаётда паралел иштирок этиш имкониятига эга бўлади;	иш берувчи иш жойини сақлаб туриш мажбуриятдан озоддир (оналик таътилига чиққанлар ва бошқа ҳолларда).
оила даромадларини ошириш ва ижтимоий ҳимоясини таъминлаш имкониятларининг мавжудлиги ва б.	меҳнатга ҳақ тўлаш ва даромадларни тақсимлаш масалалари улар томонидан мустақил равишда ҳал этилиши ва б.

Диссертация ишининг «Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда оилавий тадбиркорлик ролини оширишнинг методологик-услубий асосларини такомиллаштириш» деб номланган тўртинчи бобида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда оилавий тадбиркорликни ролини оширишнинг институционал ёндашув хусусиятлари ва тамойиллари таснифланиб, уни ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий механизми тадқиқ этилган. Шунингдек, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда оилавий тадбиркорлик ролини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими ҳамда ҳудудлар ривожланишини «оилавий тадбиркорликни ривожланиш индекси» асосида рейтинг баҳолаш методикасини такомиллаштириш бўйича илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқилган.

Ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини баҳолашда оилавий тадбиркорликнинг ролини ҳисобга олиш муҳим аҳамиятга эга. Мазкур ёндашувга кўра, оилавий тадбиркорликни ривожланишини баҳолаш бўйича уч гуруҳдан иборат мезон ва кўрсаткичлари тизими ҳамда уларни ҳисоблаш тартиби таклиф этилди (6-жадвал).

¹⁴ муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.


Худудлар ривожланишида оилавий тадбиркорлик ролини баҳолашнинг комплекс кўрсаткичлари тизими¹⁵

№	Баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари	Ҳисоблаш тартиби
1. Оилавий тадбиркорликнинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичлари		
1.1	1 та ОКда банд бўлганларнинг ўртача сони, киши	$\frac{\text{ОКларда банд бўлганлар сони}}{\text{ОКлар сони}}$
1.2	1та ОКга тўғри келадиган соф тушум, сўм	$\frac{\text{Жами соф тушум ҳажми}}{\text{ОКсони}}$
1.3	ОКларнинг фаоллик ҳолати (бирлик)	$\text{ОК}_{\text{рўйхат ўтг}} - \text{ОК}_{\text{фаолият кўрсатмаёт}}$
1.4	ОКларнинг бюджетга тўловлари самарадорлиги, бирлик	$\frac{\text{ОКларнинг солиқ тўловлари}}{\text{ОКларни қўл. қув. ажрат. мабл}}$
1.5	ОКларни қўллаб-қувватлаш самарадорлиги, бирлик	$\frac{\text{ОКларда яратилган иш ўринл}}{\text{ОКлар учун ажрат. кредит}}$
2. Худудий ривожланишда оилавий тадбиркорликнинг ролини баҳолаш кўрсаткичлари		
2.1	Худуддаги жами корхоналарда ОКларнинг улуши, %	$\frac{\text{ОК}}{\text{жами корхоналар}} \times 100$
2.2	Худудда ҳар 100 та оилага тўғри келадиган ОКларнинг сони, бирлик	$\frac{\text{ОК}}{\text{Оилалар сони}} \times 100$
2.3	Ўртача оилалар сони	$\frac{\text{Доимий аҳоли ўртача йиллик сони}}{\text{Оланинг ўртача катталиги (5 киши)}}$
2.4	Худуд оилалари умумий даромади таркибида тадбиркорлик ҳисобига олинган даромадлар улуши, %	$\frac{\text{Тадбирк даромади}}{\text{Оила умумий даромади}} \times 100$
2.5	ОКларда банд бўлганларнинг худудда жами банд бўлганлардаги улуши, %	$\frac{\text{ОКда банд бўлганлар}}{\text{Жами банд аҳоли}} \times 100$
2.6	Ҳисобот йилида худудда яратилган иш ўринларида ОКларнинг улуши, %	$\frac{\text{ОКларда яратилган иш ўрин}}{\text{Жами яратилган иш ўринлари}} \times 100$
2.7	Худудлар ўртача ойлик иш ҳақида ОКлар ишчиларининг ўртача иш ҳақи улуши, %	$\frac{\text{ОК ўрт. иш ҳақи}}{\text{Худуд корх ўрт. иш ҳақи}} \times 100$
3. Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда оилавий тадбиркорликни ролини баҳолаш кўрсаткичлари		
3.1	Худудда фаолият кўрсатаётган хизматлар соҳасидаги ОКлар сони, %	$\text{ХС}_{\text{ОК улуши}} = \frac{\text{ХС}_{\text{ОК}}}{\text{Жами}_{\text{ОК}}} \times 100\%$
3.2	Худудда ҳар 100 оилага тўғри келадиган хизматлар соҳасидаги ОКлар сони, (бирлик)	$\frac{\text{Хизматлар соҳасидаги ОК}}{\text{Оилалар сони}} \times 100$
3.3	Худудда фаолият кўрсатаётган ОКлар сонида хизматлар соҳасидаги ОКларнинг улуши, %.	$\frac{\text{Хизматлар соҳасидаги ОК сони}}{\text{Худуддаги жами ОК сони}} \times 100$

¹⁵ муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

Ушбу мезонлар асосида, Самарқанд вилояти ҳудудларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида оилавий тадбиркорликнинг роли баҳоланди.

Ҳудудларни ривожлантириш ҳамда, хизмат кўрсатиш соҳасида оилавий тадбиркорликнинг ролини баҳолаш кўрсаткичларидан фойдаланиб, Ўзбекистон Республикаси ҳудудларининг “оилавий тадбиркорликни ривожлантириш” индекси бўйича рейтинги ҳисобланди (2-расм).



2-расм. Ўзбекистон Республикаси ҳудудларининг “оилавий тадбиркорликнинг ривожланиш индекси” бўйича рейтинги¹⁶ (2020 йил 1 январь ҳолатига)

Диссертацияда оилавий тадбиркорликнинг ривожланишига ҳудудий ва маҳаллабай ёндашув асосида Ўзбекистон Республикасининг 14 та, Самарқанд вилоятининг 16 та ҳудуди ҳамда Нарпай туманининг 4 та сектори ва 57 та МФЙларининг 2020 йил учун оилавий тадбиркорликнинг ривожланиш даражасига кўра, тавсифи ишлаб чиқилди (7-жадвал).

Ҳудудлар ривожланишида оилавий тадбиркорликнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, Самарқанд вилояти Нарпай туманини 2021-2022 йилларда комплекс ривожлантириш Дастурини ишлаб чиқишда оилавий тадбиркорлик йўналишидаги чора-тадбирлар тизими белгиланди ва уни амалга ошириш бўйича йўл харитаси ишлаб чиқилди.

Ҳудудларнинг ривожланишида оилавий тадбиркорликни ролини ошириш “Ҳар бир оила - тадбиркор” дастури доирасида ажратиладиган кредитлар самарадорлиги билан боғлиқ бўлиб, бу ўз навбатида ҳудудлар тоифасининг ўзгаришига ўз таъсирини кўрсатади. Унга кўра, ҳудудларнинг оилавий тадбиркорлик учун ажратадиган кредитлари ҳажмининг ошиб бориши билан ҳудуднинг “қизил”дан “сарик”га, “сарик”дан “яшил” ҳудудга

¹⁶ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

Ўтиш эҳтимоли 41,5 % дан 67,9 % гача ошиши аниқланди. Шундан келиб чиқиб, ҳудудларнинг оилавий тадбиркорликни ривожланиш даражаси бўйича давлат молиявий ресурсларини “яшил” - 15 %, “сарик”- 35% ва “қизил” тоифадаги ҳудудларга - 50%гача табақалаштирилган ҳолда ажратиш мақсадга мувофиқлиги асосланди.

7-жадвал

Ўзбекистон Республикаси ҳудудларининг “оилавий тадбиркорликни ривожланиш” индекси бўйича тавсифи¹⁷

Ҳудудлар	Тоифаси	Ҳудудлар тавсифи
Хоразм, Самарқанд, Бухоро, Навоий вилоятлари	“Яшил”	Бу ҳудудлар “Ҳар бир оила - тадбиркор” Давлат Дастури мақсадларини рўёбга чиқаришда етакчилик қилади. Шунингдек, мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишида хусусан, аҳоли бандлиги ва даромадларини оширишда, янги иш ўринларининг яратилишида ҳамда камбағалликни қисқартиришда муносиб ҳисса қўшади.
Тошкент, Фарғона, Сурхандарё, Қашқадарё, Жиззах, Андижон вилоятлари ва Тошкент ш.	“Сарик”	Ушбу ҳудудларнинг ривожланишида оилавий тадбиркорликнинг роли пасайган. Бу тоифага мансуб ҳудудлардаги оилавий тадбиркорлик субъектлари молиявий ресурсларга эҳтиёжи юқори. Бу ҳудудлар кўшимча ривожлантириувчи чора-тадбирлар қабул қилиши таклиф этилади.
Наманган, Сирдарё вилоятлари Қорақалпоғистон Республикаси	“Қизил”	Бу тоифадаги ҳудудлар тадбиркорлик инфратузилмасининг ривожланмаганлиги ва оилавий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш ресурсларининг етишмаслиги билан таснифланади. Бу ҳудудлар ўз ички имкониятларини тўла сафарбар этиши, инвестицияларни жалб этиш ва улардан мақсадли фойдаланиш ҳамда кичик тадбиркорлик ҳудудларини ташкил этиш чораларини кўриши лозим.

Оилавий тадбиркорликнинг ҳудудий институционал муҳитини рейтинг баҳолаш усули нафақат унинг ривожланиш даражасини балки бу борада давлат қўллаб-қувватлаш тизими натижадорлигини баҳолаш имконини ҳам берди. Шу билан бирга, оилавий тадбиркорликнинг ҳудудий институционал муҳитига мос келувчи давлат молиявий ресурсларини самарали тақсимлаш инструменти сифатида ҳам хизмат қилди. Шулар асосида хулоса қилганда, оилавий тадбиркорликнинг ривожланиши нафақат хизматлар соҳасида балки ҳудудлар ривожлавнишида ҳам муҳим аҳамиятга эга экан.

Диссертация ишининг «Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда оилавий тадбиркорлик ролини оширишнинг концептуал асослари ва истиқболлари» деб номланган бешинчи бобида оилавий тадбиркорликни ривожланишига таъсир этувчи омиллар аниқланган,

¹⁷ муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

уларнинг моҳияти тавсифланган ҳамда хизмат кўрсатиш соҳаси ва унда оилавий тадбиркорликни ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичлари истиқболлаштирилган. Шунингдек, худудларни ривожлантиришда оилавий тадбиркорлик ролини оширишнинг концептуал асослари ишлаб чиқилган.

Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда оилавий тадбиркорлик ролини оширишга таъсир этиши мумкин бўлган омиллар турли вариантларда ўрганилди. Улар ўз моҳиятига кўра, беш вариантда гурухлаштирилди. Шулардан бири, “хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиши оилавий тадбиркорлик субъектларининг сонига боғлиқ” деган гипотезага асосланади. Шунга кўра, хизматлар соҳасининг ривожланиши (y) билан оилавий тадбиркорлик субъектлари сонининг (x) барча мумкин бўлган қийматлари орасидаги боғлиқликнинг чизиқли регрессия тенгламаси қуйидаги кўринишга эга бўлди:

$$y = 3.6743x + 52906.4742; \quad (2)$$

Ушбу ҳосил қилинган регрессия тенгламасининг детерминация коэффициентига ($R^2 = 0.9471$) кўра, 94.71% ҳолда x нинг ўзгариши y нинг ўзгаришига, 5.29% ҳолда y нинг ўзгариши моделга кирмаган бошқа омиллар таъсирига боғлиқ. Демак, танланган регрессия тенгламасининг аниқлик даражаси юқори.

Чизиқли регрессия тенгламасининг иқтисодий моҳиятига кўра, оилавий тадбиркорлик субъектлари сонининг 1%га кўпайиши хизматлар ишлаб чиқариш ҳажмини 3,674 млрд. сўмга ошишига олиб келади.

Шунингдек, тадқиқотда кўп омилли регрессия усулида оилавий тадбиркорлик субъектлари сонининг кўпайишига таъсир этувчи омиллар баҳоланди. Бунда қуйидаги омиллар танланди:

Бунда, x_1 - “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастури бўйича ажратилган кредитлар, млрд сўм.;

x_2 - ишсизлик даражаси, %;

x_3 - оилавий корхоналарнинг солиқ тўловлари ставкаси, %;

u - ҳисобга олинмаган омиллар;

Y - оилавий тадбиркорлик субъектлари сони.

Кўп омилли регрессия тенгламасини тузишда омилларнинг ўзаро ҳамда натижавий белги билан боғлиқлик кучи аниқланди (8-жадвал).

Ҳисобланган корреляция коэффициентлари матричаси шуни кўрсатмоқдаки, ўзгарувчи (y) билан (x_1, x_2, x_3) омиллар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик коэффициентлари юқори, яъни 1 га яқин. Шунингдек, омилларнинг ўзаро жуфт боғлиқлик кучи 0.7 дан кичик. Демак, омиллар ўртасида мултиколленарлик муаммоси йўқ. Шунинг учун барча омиллар тенгламага киритилди. Баҳоланган модел қуйидаги кўринишга эга бўлди:

$$y = -1504.8 + 61.36x_1 + 69.36x_2 - 110.2x_3; \quad (3)$$

Оилавий тадбиркорликнинг ривожланишига таъсир кўрсатувчи омилларнинг жуфт корреляцион боғланиш матрицаси

	y	x_1	x_2	x_3
y	1	0.868	0.09983	-0.8854
x_1	0.868	1	-0.3844	-0.5798
x_2	0.09983	-0.3844	1	-0.5293
x_3	-0.8854	-0.5798	-0.5293	1

Ушбу модельнинг иқтисодий моҳиятига кўра, “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастури бўйича ажратиладиган кредитлар ҳажмининг (x_1) 1 фоизга ошиши оилавий тадбиркорлик субъектлари (y) сонини ўртача 61,4 бирликга, ишсизлик даражасининг (x_2) 1 фоизга ошиши оилавий тадбиркорлик субъектлари (y) сонини ўртача 69,4 бирликга оширади, шунингдек оилавий корхоналарнинг солиқ тўловлари ставкаси (x_3)нинг 1 фоизга оширилиши эса оилавий тадбиркорлик субъектлари (y) сонини ўртача 110,2 бирликга камайишига олиб келади.

Оилавий тадбиркорликнинг ривожланишига тизимли ёндошилиб, оилавий корхоналарнинг соф тушумига таъсир этувчи омилларнинг чизиқли регрессия тенгламаси тузилди:

$$y = 2,35 - 0,28x_1 - 1,68x_3; \quad (4)$$

Бу боғланишда детерминация коэффиценти шуни кўрсатдики соф тушум 41,69 % солиқ ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан ягона ижтимоий тўловга боғлиқ экан. Ушбу тенгламанинг иқтисодий моҳиятига кўра, ягона солиқ ставкаси (x_1)нинг 1 %га камайиши, соф тушумнинг 2,8 %га ошишига, шунингдек, меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан ягона ижтимоий тўлов (x_3)нинг 1 % га камайиши эса соф тушумни 16,8 %га кўпайишига олиб келади.

Хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиш тенденцияларида оилавий тадбиркорлик ролини истиқболлаштириш учун қуйидаги кўрсаткичларнинг прогноз кўрсаткичлари ва тренд моделлари ишлаб чиқилди: хизматлар ҳажми, аҳоли жон бошига кўрсатилган хизматлар ва оилавий тадбиркорлик субъектлари сони ҳамда оила даромадлари таркибида тадбиркорлик ҳисобига олинган даромадлар улуши. Бунда улар фаолиятини ўзида ифода эувчи вақт катори омил сифатида қаралди.


Оилавий тадбиркорликнинг истиқболда ривожланишини ҳисоблашнинг статистик мезонлар асосида баҳоланган даражали функцияси қуйидаги кўринишга эга бўлди:

$$y = 488.52x^{1.8926}; \quad R^2=0,9716. \quad (5)$$

Бунда, y - оилавий тадбиркорлик субъектлари сони.


Мамлакатимизда оилавий тадбиркорлик субъектларининг ривожланиши нотекис тенденцияга хос бўлиб, унинг базавий ўсиш нуқтаси 2012 йилдан

бошланади. Уларнинг 2012-2017 йиллардаги ўсиши илк шаклланиш даврини, 2018-2020 йиллар эса кескин ўсиш даврини ифодалайди. Шунингдек, уларнинг истиқболдаги ривожланиши турғун ўсиш тенденциясига эга бўлиб, 2020-2023 йилларда 2020 йилдаги 43122 тадан 2023 йилда 53869 тага етиши ёки 124,9 фоизга ўсиши белгиланди (3-расм).



3–расм. Ўзбекистонда оилавий тадбиркорлик субъектлари сонининг 2012-2023 йиллардаги истиқболий динамикаси¹⁸, (бирликда)

Илмий таҳлилларимизга кўра, оилавий тадбиркорлик субъектлари сонининг ортиши хизматлар ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсишига олиб келади. Шу боис прогноз функциялар ёрдамида жами ишлаб чиқарилган хизматлар ҳажмининг истиқболдаги кўрсаткичлари ҳисобланди. Таҳлил қилинган 2012-2023 йиллар давомида ишлаб чиқариладиган хизматлар ҳажми 9,2 мартага ўсиши белгиланди (4-расм).




4–расм. Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган хизматлар ҳажмининг 2012-2023 йиллардаги истиқболий динамикаси, (млрд. сўм)

Республикамизда амалга оширилаётган хизмат кўрсатиш соҳасидаги ислохотлар оилавий тадбиркорликнинг ривожланиши учун ҳам пойдевор яратмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Оилавий меҳмон уйлари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори (2018 йил, 8 август) бу борада алоҳида аҳамиятга эга. Бу ўз навбатида оилавий меҳмонхоналарни ташкил этиш билан бирга, зиёрат, гастрономик, спорт ва қишлоқ туризми каби йўналишларда ҳам оилавий тадбиркорликни

¹⁸ 3-4-5-6 - расмлар ва уларда келтирилган таҳлил натижалари Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган ва ҳисобланган.


ривожлантириш имкониятларини яратади. Бунда “оилавий меҳмон уйлари” ва “оилавий дам олиш масканлари”ни ташкил этишга асосий эътибор қаратилиши лозим.

Хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиши натижасида аҳоли жон бошига кўрсатилган хизматлар ҳажми 2012-2023 йилларда 7,6 мартага ўсиши кутилмоқда (5-расм). Бу эса аҳоли даромадларининг ўсиши билан уларнинг пуллик хизматларга бўлган талабининг бир-бирига мувофиқ ўсиб боришидан далолат беради.



5–расм. Ўзбекистонда аҳоли жон бошига кўрсатилган хизматларнинг 2012-2023 йиллардаги истиқболий динамикаси, (млрд. сўм)

Оилавий тадбиркорликнинг ривожланиши натижасида 2012-2016 йилларда оила даромадларининг ўсиши кузатилган, бироқ 2017-2019 йилларда эса номутаносиб кескин ўзгариш тенденцияси рўй берган. Буни турли инқирозлар ёки шу даврда оиланинг бошқа турдаги даромадларининг ўсиши билан боғлиқ деб изоҳлаш мумкин. Яқин келажакда оилавий тадбиркорликнинг (фото ва гўзаллик салонлари, тўй тадбирларини ўтказиш, ижара ва б.) хизмат турларига бўлган талабнинг ортиб бориши натижасида 2020-2023 йилларда оилада тадбиркорлик даромадлари 1,7%га ўсиб, 2023 йилда унинг салмоғи 59 %ни ташкил этиши кутилмоқда (6-расм).



6 –расм. Ўзбекистонда оила даромадлари таркибида тадбиркорликдан олинган даромадлар улушининг 2012-2023 йиллардаги истиқболий динамикаси, (%)

Диссертацияда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда оилавий тадбиркорликни ролини оширишнинг барча омиллари ва жиҳатларини ифода этувчи прогноз функциялар мажмуаси ишлаб чиқилди (9-жадвал).

9–жадвал

Ўзбекистонда хизмат кўрсатиш соҳаси ва оилавий тадбиркорликнинг асосий кўрсаткичларини ҳисоблашнинг прогноз функциялари¹

Кўрсаткичлар	Прогноз тенгламаси	R^2	2020 й	Истиқболдаги давр			2020 - 2023 й.й ўсиш, %
				2021 й	2022 й	2023 й	
Жами ишлаб чиқарилган хизматлар, млрд. сўм	$y = 36332e^{0.202x}$ Экспоненциал	0.997	218853.5	273882.2	335190.3	410222.1	87.0
Аҳоли жон бошига кўрсатиладиган хизматлар, минг сўм	$y = 1243.9e^{0.1846x}$ Экспоненциал	0.996	6393.2	7879.3	9476.9	11398.1	78.2
Оилавий тадбиркорлик субъектлари сони	$y = 488.52x^{1.8926}$ Даражали	0.971	43122	38149.5	45690.1	53869.2	24.9
Оила даромадлари таркибида тадбиркорлик даромадлари улуши, %	$y = -0.0945x^2 + 1.8565x + 50.343$ Полиномиаль	0.691	58	59.4	59.3	59.0	1.7

ХУЛОСА

Диссертация ишида амалга оширилган илмий тадқиқотлар натижасида қуйидаги илмий хулоса, таклифлар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Диссертацияда «хизмат кўрсатиш», «сервис», «оилавий тадбиркорлик» ва «сервис соҳаси оилавий тадбиркорлиги» иқтисодий категорияларининг муаллифлик қарашлари ва таърифлари ишлаб чиқилди. «Оилавий тадбиркорлик» категориясига синергетик ёндошув тамойилларини қўллаш асосида унинг моҳияти очиқ берилди. Оилавий тадбиркорлик - умумий оилавий капиталга таяниб, оила аъзоларининг биргаликдаги ҳаракати, ўзаро кўмаклашуви ва ўзини-ўзи бошқаришга асосланган тадбиркорлик фаолияти сифатида илмий таъриф берилди.

¹ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

2. Оилавий тадбиркорликнинг тизим сифатида ўзини-ўзи ташкил этиш ва ривожланиш хусусиятлари унга синергетика методологиясини қўллаш мумкинлигини кўрсатди. Шунга кўра, оилавий тадбиркорликнинг ривожланиш қонуниятлари синергетика тамойилларига асосланиши аниқланди. Ушбу тамойиллар асосида оилавий тадбиркорликнинг ривожланиш хусусиятлари очиб берилди.

3. Оила ва оилавий тадбиркорлик функцияларининг давлат функциялари билан интеграциялашуви кўплаб ижтимоий-иқтисодий муаммоларни биргаликда ҳал этиш имкониятини яратади. Шундан келиб чиқиб, оила функциялари системасига оила фаровонлигини таъминловчи омиллар, иккинчидан оилавий тадбиркорликни қарор топишида муҳим шарт сифатида қараш мақсадга мувофиқлиги асосланди. Бу эса “оила функциялари – тадбиркорлик – фаровонлик” боғлиқлигидаги интеграцияни ифодаловчи назарий моделда акс эттирилди.

4. Хизмат кўрсатиш соҳасида оилавий тадбиркорликни ролини ошириш бевосита уни қўллаб-қувватлаш тизими билан боғлиқ. Шунга мувофиқ, оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган мақсадли давлат дастурларини “натижадорлик” ва “самарадорлик” мезонлари асосида баҳолаш методикаси такомиллаштирилди.

5. Оилавий корхоналар фаолиятида юзага келадиган бизнес-жараёнларга тизимли ёндошув таҳлил услубиётини қўллаш асосида уларнинг иқтисодий салоҳиятини ифодаловчи кўрсаткичлари шакллантирилди. Бундай ёндашув оилавий корхонада муаммоларга олиб келувчи хатоларни олдиндан аниқлаш ва бартараф этишда энг яхши муқобил ечимларни топиш имконини берди.

6. Оилавий тадбиркорликнинг уч ўлчамли моделини таснифлаш асосида, “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги Қонунининг 9, 12, 30, 31 - моддаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш таклиф этилди. Шунга кўра, оилавий корхона иштирокчилари сонини чеклаш нормасини бекор қилиш, оила аъзолари ва яқин қариндошлари ўртасида мулк ва меҳнатга оид муносабатларда ўзаро ишонч, ваколатлар ва ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлаш асосида меҳнат унумдорлигини ошириш ҳамда, улар ўртасида юзага келиши мумкин бўлган низоларни олдини олишга эришиш мумкинлиги асосланди.

7. Оилавий корхоналарда меҳнат муносабатларини тартибга солиш “Меҳнат кодекси” ва оилавий кадриятларга асосланади. Оилавий корхона бошлиғи ва аъзоларининг меҳнат жараёнидаги роллари, вазифалари ва ваколатларининг қонуний белгилаб қўйилиши меҳнат унумдорлигини ошириш имконини беради. Шулардан келиб чиқиб, оилавий корхоналарда “оилавий муносабатлар - меҳнат муносабатлари”нинг ўзаро уйғунлигини таъминлаш мақсадида “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги қонуннинг 5, 8, 13, 14-моддаларига ўзгартириш киритиш таклиф этилди.

8. Оилавий тадбиркорликнинг бошқа турдаги тадбиркорлик субъектларига нисбатан ўзига хос устувор жиҳатлари аниқланди. Бунда унинг юқори бизнес – маданият ва оилавий кадриятлар (ўзаро ишонч ва ҳурмат, ягона мақсад, умумий манфаат, иноқ жамоа, умумий капитал,

умумий даромад, умумий бюджет)га эга бўлган жиҳатлари SWOT-таҳлил усулида очиб берилди.

9. Оилавий тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ҳаракатида бўлган оилалар имкониятлари ўрганилди. Таҳлиллар шуни кўрсатдики, оила активларидан тадбиркорликни бошлаш учун тўсқинлик қилаётган асосий сабаблардан бири уларнинг бизнесга мослашмаган мол-мулки экан. Бундай ҳолат оилаларнинг 56,7%да кузатилди. Шулар асосида оила мулкани кўпайтиришга қаратилган микрокредитлаш механизмини такомиллаштириш таклифи асослантирилди.

10. Оилавий корхоналарнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича самарадорлик мезонлари ўрганилди. Таҳлиллар кўрсатдики, оилавий тадбиркорликнинг фаолият соҳаси бўйича энг юқори самарадорлик саноат (40,8%) ва энг паст самарадорлик ташиш ва сақлаш (0,8%) хизматлари соҳасига тўғри келди. Бундай фаолият турларининг қиёсий таҳлили асосида хизматлар соҳасини ривожлантиришда оилавий тадбиркорликнинг истиқболли йўналишлари бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

11. Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда оилавий тадбиркорликнинг савдо-воситачилик ва умумий овқатланишга ихтиссослашган фаолият турлари унинг ўсиш нуқтаси бўлиш эҳтимоли аниқланди. Мазкур фаолият турларининг хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришдаги ролини янада ошириш мақсадида “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастури доирасида кредитлар ажратиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш зарурати асослантирилди.

12. Хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланишини тавсифловчи ва бу соҳада оилавий тадбиркорликнинг ролини ифодаловчи кўрсаткичларни стандартлаштириш асосида ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасини интеграл баҳолаш усули такомиллаштирилди.

13. Ҳудудлар ривожланишида оилавий тадбиркорликни ролини баҳолаш кўрсаткичлари асосида Ўзбекистон Республикаси ва Самарқанд вилояти ҳудудларининг “оилавий тадбиркорликни ривожлантириш” индекси бўйича рейтинги ишлаб чиқилди. Унга кўра ҳудудларнинг оилавий тадбиркорлик учун ажратадиган кредитларининг ўсиши билан ҳудуднинг “қизил”дан “сарик”га, “сарик”дан “яшил” тоифадаги ҳудудга ўтиш эҳтимоли 41,5 %дан 67,9 %гача ошиши аниқланди. Шу асосда, давлат молиявий ресурсларини “яшил”, “сарик”, “қизил” тоифадаги ҳудудлар бўйича мос равишда 15%, 35%, 50% нисбатида табақалаштирилган ҳолда тақсимлаш тавсия этилди.

14. Хизмат кўрсатиш соҳасини асосий ривожланиш кўрсаткичларининг 2021-2023 йиллардаги қийматларини прогнозлаштиришда қуйидаги эконометрик моделлардан: Ўзбекистон Республикаси бўйича жами ишлаб чиқарилган хизматлар, аҳоли жон бошига кўрсатиладиган хизматлар ҳажмини прогнозлаштиришда экспоненциал моделдан; оилавий тадбиркорлик субъектлари сонини прогнозлаштиришда даражали моделдан, оила даромадлари таркибида тадбиркорлик даромадлари улушини прогнозлаштиришда полиномиаль моделдан фойдаланиш тавсия этилди. Бу борадаги ҳисоб-китобларга кўра, 2020-2023 йиллар давомида оилавий

тадбиркорликни кўллаб-қувватлаш чора-тадбирларининг амалга оширилиши ишлаб чиқариладиган хизматлар ҳажмини ўртача йиллик 21 %га, аҳоли жон бошига кўрсатиладиган хизматлар 19,5%га ва оилавий тадбиркорлик субъектлари сонини 8,3 %га ошиши таъминланади.

15. Хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиш хусусиятлари ва бу соҳада оилавий тадбиркорлик ролини оширишнинг устувор йўналишларидан келиб чиқиб, Самарқанд вилоятида маҳаллабай ёндашув асосидаги, ташкилий чора-тадбирлар мажмуидан иборат ҳудудий оилавий тадбиркорликни ривожлантириш концепцияси ишлаб чиқилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc. 03/30.12.2019.I.18.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ПРИ САМАРКАНДСКОМ ИНСТИТУТЕ
ЭКОНОМИКИ И СЕРВИСА**

САМАРКАНДСКИЙ ИНСТИТУТ ЭКОНОМИКИ И СЕРВИСА

КУВАНДИКОВ ШУХРАТ ОБЛОКУЛОВИЧ

**МЕТОДОЛОГИЧЕСКИЕ ВОПРОСЫ ПОВЫШЕНИЯ РОЛИ
СЕМЕЙНОГО ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА В РАЗВИТИИ
СФЕРЫ УСЛУГ**

08.00.05 – Экономика отраслей сферы услуг

**АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора экономических наук (DSc)**

Самарканд – 2021

Тема докторской диссертации (DSc) по экономическим наукам зарегистрирована за B2020.3.DSc/Iqt19 Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан.

Диссертация выполнена в Самаркандском институте экономики и сервиса.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-сайте Научного совета (www.sies.uz) и Информационно-образовательного портала «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный консультант:

Пардаев Мамаюнус Қаршибоевич
доктор экономических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Гуломов Саидахроп Саидахмедович
доктор экономических наук, академик

Навруз-зода Бахтиёр Негматович
доктор экономических наук, профессор

Арабов Нурали Уралович
доктор экономических наук, профессор


Ведущая организация:

Каршинский инженерно-экономический институт

Защита диссертации состоится «4» XII 2021 года в 10:00 ч. на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.I.18.01 по присуждению ученой степени при Самаркандском институте экономики и сервиса. Адрес: 140100, г. Самарканд, ул. Амир Темура, 9. Тел.: (99866) 233-18-84; факс: (99866) 233-28-38; e-mail: sies_info@edu.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского института экономики и сервиса (зарегистрирована за № 039). Адрес: 140100, г. Самарканд, ул. Амир Темура, 9. Тел.: (99866) 233-37-26.

Автореферат диссертации разослан «19» XI 2021 года
(Протокол реестра № 10 от «19» XI 2021 года).



М.Э.Пўлатов

Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, д.э.н., профессор

Н.Э.Ибадуллаев

Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, к.э.н., доцент

М.М.Мухаммедов

Председатель научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, д.э.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации (DSc))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Семейный предпринимательства занимает особое место в экономике развитых стран. По данным Института семейного бизнеса, «в Великобритании доля семейного бизнеса в ВВП составляет 30,7%, а доля предприятий частного сектора - 87,6%, соответственно, в Испании 65 и 75%, в США 60 и 90%. Семейные предприятия составляют 18% экспорта Италии»¹⁹. Кроме того, «26 процентов семейных предприятий во всем мире диверсифицированы в нескольких секторах экономики и на рынках разных стран»²⁰. В этом контексте повышение уровня специализации семейного предпринимательства в национальной экономике, особенно в сфере услуг, становится все более актуальным.

Исследования по совершенствованию теоретических, организационных и методологических основ семейного предпринимательства в мире проводятся по следующим приоритетным направлениям: основные формы и структура семейного предпринимательства, его роль в национальной экономике; взаимосвязь семейных отношений и бизнес - систем, роль семьи в бизнесе; система трудовых отношений на семейных предприятиях; сравнительный анализ семейного и несемейного бизнеса; управление семейным предпринимательством и его передача из поколения в поколение, наследование и гендерные вопросы; исследование роли семейного предпринимательства в региональном развитии.

В контексте построения нового Узбекистана особое внимание уделяется поддержке сферы услуг, сокращению бедности за счет широкого вовлечения населения в предпринимательство и развития семейного предпринимательства в регионах. «Снижение бедности требует реализации комплексной экономической и социальной политики – от стимулирования предпринимательской активности до мобилизации способностей и потенциала населения, создания новых рабочих мест».²¹ В решении этих задач особое значение приобретает углубление научных исследований в области повышения роли семейного бизнеса в развитии национальной экономики, в частности, сферы услуг.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, определенных в указах Президента Республики Узбекистан ПП-4231 от 7 марта 2019 года «О дополнительных мерах по широкому привлечению населения к предпринимательству и развитию семейного предпринимательства в регионах», ПП-4498 от 24 октября 2019 года «О дополнительных мерах по совершенствованию порядка кредитования проектов, реализуемых в рамках государственных программ развития семейного предпринимательства», ПП-4752 от 16 июня 2020 года

¹⁹ <https://www.ifb.org.uk/ifb-research-foundation/news/coronavirus-hit-family-business-sector-continues-to-be-the-backbone-of-the-uk-economy/>

²⁰ <https://www.pwc.ru/ru/assets/fbs-report.pdf>

²¹ Шавкат Мирзиёев: Основным критерием в оценке деятельности руководителей регионов будет рост числа субъектов предпринимательства и рабочих мест. <https://president.uz/ru/lists/view/3319>

«О мерах по поддержке сферы услуг» и ПП-5041 от 27 марта 2021 года «О дополнительных мерах, осуществляемых в рамках программ развития семейного предпринимательства» и других нормативно-правовых актах, относящихся к данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики Узбекистан I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Обзор международных научных исследований по теме диссертации²². Научные исследования, в области повышения роли семейного бизнеса в сфере услуг осуществляются ведущими мировыми университетами и исследовательскими центрами, в частности, International Family Enterprise Research Academy (IFERA), PricewaterhouseCoopers, Institute for Family Business Eberhardt School of Business (АҚШ), Institute for Family Business (Буюк Британия), Family Business Research International Centre (Ҳиндистон), Center for Family Businesses of the University of Economics (Чехия), The National Mutual Family Business Research Unit of the Monash University (Австралия), Centre for Entrepreneurship and Family Enterprise at the University of Alberta (Канада), Российской академии народного хозяйства и государственной службы при Президенте Российской Федерации, Российским экономическим университетом (Россия), Ташкентским государственным экономическим университетом и Самаркандский институт экономики и сервиса (Узбекистан).

В результате проведённых в мировом масштабе исследований по повышению роли семейного бизнеса в развитии сферы услуг получен ряд научных результатов, в том числе: предложены направления и методы исследования семейного предпринимательства и методика проведения опросов (International Family Enterprise Research Academy (IFERA), PricewaterhouseCoopers); разработаны программы стратегического планирования развития семейного бизнеса на региональном и национальном уровнях, оценена эффективность управления и влияние ресурсов семьи на финансовые результаты (Centre for Entrepreneurship and Family Enterprise at the University of Alberta, Institute for Family Business Eberhardt School of Business); классифицируются аспекты семейного предпринимательства в экономическом росте и оценивается его влияние (Institute for Family Business,

²²Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи <https://ifera.org/development/resources/>; <https://ojasfoundation.com/fabric/>; https://www.pwc.com/uz/en/assets/pdf/dbg_2016.pdf; <https://im.vse.cz/family-business/news/family-business-governance-conference/>; <https://business.pacific.edu/business/centers-and-institutes/institute-for-family-business>; <https://www.ifb.org.uk/ifb-research-foundation/publications/>; <https://www.insead.edu/centres/family-enterprise>; <https://www.sciencedirect.com/science/article/abs/pii/S0883902699000531>; https://www.ualberta.ca/business/centres/family-entrepreneurship/index.html?fbclid=IwAR1Hr10VEgXMQENZHWNBfb1jvjgp4Vr2SZbmgXhyCjO2i1BtFWpSn2130oI?utm_source=redir ва бошқа манбалар асосида тайёрланган;

Family Business Research International Centre); выявлены преимущества и недостатки семейного бизнеса и предложена модель его структуры капитала (University of Economics, The National Mutual Family Business Research Unit of the Monash University); обосновано распределение взаимовыгодных ролей семейного предпринимательства в управленческих и трудовых процессах, разработана методика изучения семейной хозяйств (Российской академии народного хозяйства и государственной службы при Президенте Российской Федерации, ТГЭУ, СамИЭС).

В настоящее время приоритетными направлениями научных исследований в мире, направленных на повышение роли семейного предпринимательства в развитии сферы услуг, являются: оценка тенденций развития семейного предпринимательства в экономике и обоснование перспективных направлений; повышение роли семейного предпринимательства в системе занятости и трудовых отношений в процессе цифровой трансформации; управление, социальный капитал, наследование и гендерные вопросы в семейном предпринимательстве; системный подход к выявлению проблем в семейном предпринимательстве; совершенствование организационно-экономических механизмов развития семейного предпринимательства; оценка роли семейного бизнеса в развитии регионов.

Степень изученности проблемы. Научно-методологические аспекты формирования и развития сферы услуг отражены в исследованиях многих зарубежных ученых²³, в частности, Боден М., Милес И., Еиченгреев Б., Гупта П., Ешченбач Ф., Хоекман Б., Триплетт Й. Е., Босвортх Б. П., Корцзынски М., Михалёв И. В., Полянин А. В., В.К. Романович, С.Н.Коробкова, И. В.Михалёв, А. В. Полянин, В.К. Романович, Л. М. Кликич, Т. Д.Бурменко, Н. Н. Даниленко, Т. А. Туренко, Л. А. Сосунова, Д. В. Чернова, А.Я.Басс, Е. А. Разомасова, В.А. Плотников, М.Г. Иваненко, Д.Р. Хайруллина и других. Исследованию этих проблем рассматриваются в работах Б.А.Адукаримов, М.М. Мухаммедов, М.Қ.Пардаев, Қ.Ж. Мирзаев, О.М. Пардаев, И.С.Тухлиев и других узбекских ученых²⁴

